

Шавкат Мирзиёев: «Ўзбекистонда Ислом молияси хизматларини жорий қилиш вақти келди»



20:53 / 29.12.2020 2315

Президент Шавкат Мирзиёев парламентга мурожаатида Ўзбекистонда Ислом молияси хизматларини жорий қилиш вақти етиб келганини айтди.

«Мамлакатимизда Ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақт-соати етиб келди. Бу борада Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади», деди президент.

2020 йил 4 февраль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган мажлисда Марказий банк раиси ўринбосари Ботир Зоҳидов шу йилнинг ўзида Ўзбекистондаги Эта банкда исломий молиялаш жорий этилиши мумкинлигини [айтган эди](#).

Маълумот учун, исломий молия тармоғи бугунги кунда жаҳонда жадал ривожланиб бораётган ва инновацион молиялаштириш механизмларини ўзида жамлаган соҳалардан бири ҳисобланади.

Молиялашнинг бу тизими фойда ва зарарни бўлишиш ҳамда реал активларга асосланган молиялаштиришни ўзида намоён қилиши билан анъанавий банклардан фарқ қилади.

Исломий банклар мижоз талаби билан объектни қуриб бериши, асбоб-ускуналар, товар, хомашёлар олиб бериши ёки уларни ижарага бериши мумкин. Молиялаштириш асосида савдо амалиёти ётади. Замонавий банк тизимида эса банкларнинг савдо амалиётларини амалга ошириш қонунчилик нуқтайи назаридан мушкул бўлиб, бунга солиқ ҳамда банк фаолиятига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўсқинлик қилади.

Маълумотларга кўра, **кейинги йилларда исломий молия муассасалари ялпи активлари миқдори 2,5 триллион долларни ташкил этиб, йилига 15-20**

2020 йил бошида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури доирасида «**Ўзбекистонда исломий молия маҳсулотлари таҳлили**» бўйича амалга оширилган тадқиқот ва унинг доирасида ўтказилган сўровнома натижаларига [кўра](#), банк кредитларидан фойдаланмасликнинг асосий сабаблари сифатида авваламбор, диний қарашлар, кредитлар бўйича юқори фоиз даражаси ва кредитлаштиришнинг мураккаблиги кўрсатилган бўлиб, агар мамлакатда ислом молия муассасалари ташкил этилса, юқоридаги сўровномада иштирок этган қатнашувчиларнинг аксарияти ушбу муассаса хизматларидан фойдаланишлари мумкинлигини таъкидлашган. Ҳатто, анъанавий банклар ҳам Ўзбекистонда ислом молия муассасалари ташкил қилиш, молия тармоғида ҳалол ва шаффоф рақобат юзага келиши, натижада мамлакатга сармоялар оқими ўсиши ва диверсификациясига олиб келиши ҳақида ўз фикрларини билдирган.